



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 8 июнь, № 117 (7075)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И «ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва бунёдкорлик салоҳиятини кўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил натижалари жойларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда.

Меҳнаткаш халқимизнинг қадимий касб-хунар анъаналари, ишбилармонлик салоҳияти оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш, экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун катта тажриба ва захира мавжудлигидан далолат беради.

Ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадлидир.

1. Белгилаб қўйилсинки, мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало, олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) амалга оширилади.

2. Қуйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

дўрлар билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик қўнимчаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш;

касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш;

қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш — миникластерлар ташкил этиш;

жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш;

(Давоми 2-бетда).



ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИ

юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан
мамнунлигида ўз ифодасини топмоқда

Бугун мамлакатимиз ички ва ташқи ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар, изчил амалга оширилаётган ислохотлар юртдошларимиз, қолаверса, кенг жамоатчилик, жаҳоннинг етакчи таҳлил доиралари, экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Чунки бу янгиланишлар замирида Президентимиз Шавкат Мирзиёев юритаётган халқона сиёсат ётибди. Фуқароларнинг давлатимиз раҳбарига ишончи рейтингини ҳамда у юритаётган сиёсатни қай даражада қўллаб-қувватлаётганини аниқлаш мақсадида яқинда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳақида” мавзuida ижтимоий сўровнома ўтказилди.

ИЖТИМОЙ ФИКР

Ўтказилган сўровнинг кўрсатишича, ўзбекистонликлар Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги фаолиятини юқори баҳолайдилар. Фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги, яъни 91,9 фоизи амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, ҳаётнинг барча соҳасини янада модернизациялаш ҳамда давлатни ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш учун шароитлар яратилаётганини маъқуллайдилар ҳамда қўллаб-қувватлайдилар.

Жамоатчилик фикри сўровлари мониторинги фуқароларнинг Президент Шавкат Мирзиёев фаолиятига берган баҳосида ижобий динамикани аниқлади. Хусусан, ушбу рақам

2017 йил октябрдаги 89,3 фоиздан 2018 йил май ойида 91,9 фоизга етди.

Сўров давомида республикадаги Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ўтказилаётган сиёсат сизнинг орзу ва умидларингизни қай даражада оқлади? мазмундаги савол ҳам берилган. Эътиборлиси, қатнашганларнинг мутлақ кўпчилиги, яъни 92,5 фоизи “Президент томонидан ўтказилаётган сиёсат фуқароларнинг орзу-умидларини тўла даражада оқлади”, деб фикр билдирди. Мониторинг натижалари ушбу нуқтаи назарни маъқулловчи фуқаролар сони 2017 йил билан қиёслаганда 2,3 фоиз ўсганлигини кўрсатди.

Натижалардан маълум

бўлишича, жамоатчилик фикри Президент шахси атрофида жипслашмоқда. Бу ҳам давлат раҳбари юритаётган сиёсатга берилаётган юксак баҳодир.

Мамлакатимизда турли соҳаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга сўров жараёнида алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, иштирокчиларнинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давлат ҳамда жамият ҳаётининг қайси соҳаларида энг катта натижаларга эришилганлиги ҳақидаги муносабати ўрганилди. Маълум бўлишича, ўзбекистонликлар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижаларини юқори баҳолайдилар, яъни фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги (93,9 фоизи) “Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат барча соҳаларда ижобий натижаларга эришди”, деб ҳисоблайди.

Юртдошларимиз мамлакат ички ва ташқи сиёсати ҳақида ҳам ўз фикрларини билдирган. Чунончи, сўровномадаги “Сиз Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ўтказилаётган сиёсат фуқароларнинг орзу-умидларини тўла даражада оқлади”, деб фикр билдирди. Мониторинг натижалари ушбу нуқтаи назарни маъқулловчи фуқаролар сони 2017 йил билан қиёслаганда 2,3 фоиз ўсганлигини кўрсатди.

(Давоми 2-бетда).



ДУНЁНИГОҲИ



Жаҳон молия муассасалари
экспертлари:

«Ўзбекистонда катта ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда»

Мамлакатимизда кейинги бир ярим йил ичида иқтисод ва молия тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар жаҳоннинг етакчи экспертлари ҳамда таҳлилчилари томонидан қизгин эътироф этилмоқда. Шулар хусусида яқинда “Америка овози” телерадиосида чет эллик мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари эфирга узатилди. Улардан айримларининг интервьюларини эътиборингизга тақдим қиламиз.

Вернер ЛИПАК,
Осиё тараққийёт банкининг
Марказий ва Фарбий
Осиё бўйича департаменти
директори:



— Ўзбекистонда катта ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Мамлакат ташқи сиёсати ўзгариб, халқроқ ҳамжамиятга очилаётир. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга ҳаракат авжида. Бу борада музокаралар, муҳокамалар кетмоқда. Жараён яхши кечяпти ва яқин орада ўз яқини етади, деб ўйлайман.

Осиё тараққийёт банкида Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури мавжуд. Ана шу дастур доирасида Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга ҳаракат қилаётган давлатларга техник кўмак, яъни маслаҳат бериш ҳамда йўл-йўриқ кўрсатиш кўзда тутилган. Биз бу йўналишда ҳамкорликка тайёрмиз.

Дэвид ГУЛД,
Жаҳон банки мутахассиси:



— Ҳукумат бизнес доираларига кенг имконият яратиш йўлида янгича тизим томон ҳаракат қилишда давом этавериши керак. Бу жараён ҳеч бир давлатда осон кечмаган. Иқтисодийнинг эркинлаштиришда Ўзбекистон

худди валюта бозорини очганидек дадилроқ қадам ташлайверса, асло ютқазмайди. Инвестиция оқимини оширишда бизнес муҳитини яхшилаш ижобий натижа беради.

Жаҳон банки Ўзбекистон томонидан иқтисодий вазият ва одамлар ҳаёти ҳақида кўпроқ маълумот олмақда. Олдинги тусиқларнинг кўпи олиб ташланган. Банк республика турмуш даражаси ҳақида қанча яхшироқ тасаввурга эга бўлса, қилинаётган қарорлар ҳам, берилаётган кўмак ҳам шунча самарали бўлади.

Альберт ЕГЕР,
Халқаро валюта муаммалари
етакчи эксперти:



— Ўзбекистонда илгари кўплаб маълумотлар сир сақланар эди. Бугун эса вазият ижобий томонга ўзгарган. Давлат айна дамгача йиғилиб келган муаммоларни ҳал этиш учун реал чоралар кўришга интиляпти.

Мамлакатда аҳолининг аксарият қисмини ёшлар ташкил қилади. Бу, бир томондан, муваффақият, иккинчи томондан эса, ҳукуматга катта масъулиятдир. Чунки навқирон авлод вакиллари кўпчиликини ташкил этадиган юрда иш ўринлари ҳамда имкониятлар шунга яраша бўлиши зарур.

Ўзбекистон ҳукумати ҳозирги пайтда ишсизлик даражаси, миграция ва унинг таъсири, норасмий иқтисод юзасидан аниқ ахборот йиғиб, уни таҳлил қилиш ҳаракатида. Солиқ ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимини ҳам ислоҳ этишга бел боғлаган. Очиғини айтиш керак, бу каби ислохотлар ҳеч бир мамлакатда осонликча кечмайди.



Мамука ЦЕРЕТЕЛИ,
Марказий Осиё —
Кавказ институти тадқиқотчиси:

— Ўзбекистонда бир вақтлар “Хусусий секторни кенгайтириш, ташқи дунё билан савдонини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, миллий валюта қадрини кўтариш, ишсизликка қарши курашиш, норасмий ва расмий иқтисод орасидаги тафовутни йўқотиш учун нима қилмоқ зарур?” мазмундаги саволлар кўп эди.

Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат ҳаётини чўқур билади. У аввалги тизим самараси бўлганини ҳамда уни янгиллашда қандай чоралар кўриш лозимлигини теран тушунади. Албатта, бу машаққатли жараён. Бироқ синовлардан муваффақиятли ўтиб олишда Ўзбекистон ҳукуматида ишонч ва ғайрат бор.

О. ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Таҳлил

ШХТ саммити ва Ўзбекистоннинг стратегик манфаатлари

2018 йил 8 — 10 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикасида бўлади ва ШХТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этади. Халқаро экспертлар ҳозирданоқ мазкур саммит тарихий аҳамиятга эга экани, тузилма фаолиятида янги саҳифа очиши ҳақида гапириб қолмоқда.



Ўзбекистон ШХТ асосчиларидан бири сифатида ташкилот доирасидаги ҳамкорлик стратегиясини аниқлашда бошқа аъзолар билан тенгма-тенг қатнашапти. Мамлакатимиз ШХТ Хартияси ҳамда унинг асосини белгиловчи бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга қатъий мос келувчи сиёсатни оғишмай давом эттириш, минтақа давлатларининг хавфсизлиги ҳамда барқарорлигини, иқтисодий фаровонлиги ва тараққиётини таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни рўёбга чиқариш тарафдоридир.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий қоидалари Шанхай тузилмасининг мақсад ҳамда вазифаларига кўп жиҳатдан ҳамохандир. Уларни ҳаётга босқичма-босқич татбиқ қилиш яқин қўшнилар билан муносабатларни уйғунлаштириш, Марказий Осиёда, умуман, бутун ШХТ ҳудудида тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш имконини беради.

Тарқибига Ҳиндистон ва Покистон давлатлари қўшил-

гач, Ер юзи аҳолисининг деярли ярми истиқомат қилаётган улкан ҳудудни қамраб олган Шанхай ташкилоти ўтган 17 йил мобайнида сайёраимизда барқарорлиқни таъминлашга жуда катта ҳисса қўшди.

Биринчидан, дунёнинг бир неча минтақаларида турли таҳдидлар ҳамда хавфлар юзга келаётган, вазият кескинлашиб бораётган бир даврда ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ўзаро самарали фаолияти натижа-си ўлароқ, Евросиё ҳудудининг 60 фоизини эгаллаган ШХТ майдонида домий барқарорлик сақланиб турибди.

ШХТ минтақавий ақсил-террор тузилмасининг маълумотларига кўра, сўнгги 5 йил ичида (2013 — 2017 йилларда) ваколатли органлар томонидан 600 дан ортқ террорчилик характеридаги жиноятлар тайёрланиш жараёнида фож этилган, 500 дан зиёд тайёргарлик базалари йўқ қилинган, халқаро террорчилик ташкилотларига аъзо бўлган 2 минг нафардан кўпроқ шахслар қўлга олинган, мингдан ортқ қўлбола портловчи ускуналар, 10 мингдан зиёд ўқотар қуроллар, бир миллиондан кўп ўқдор мусодара этилган.

2016-2017 йилларда террорчилик ва экстремистик мазмундаги 4 миллиондан ортқ материалларни ўзида жойлаштирган юз мингдан зиёд интернет ресурслар барта-раф қилинган ёки уларга кириш чекланган.

(Давоми 2-бетда).



Халқаро экология анжумани

Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги йўлидаги муҳим қадам



Исон ва табиат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Яъни одамзоднинг ўтмиши, бугуни ҳамда эртасини атроф-муҳитсиз, она-табиатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, табиатга эҳтиёткор муносабатда бўлиш, унинг неъматларини асраб-авайлаш бурчимизга айланмоғи даркор.

Аммо биз ҳар доим ҳам бу қоидага амал қилганимизми? Уни муҳофаза этиш йўлида ташаббус кўрсатганимизми? Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб бериш мушкул. Баҳолонки, табиатга эҳтиёткор муносабатда бўлиш, унинг неъматларини асраб-авайлаш бурчимизга айланмоғи даркор.

Мизда бўлиб ўтган “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш борасида ҳамкорликни мустақамлаш” мавзuidaги Марказий Осиё халқаро экология форуми бош мавзуси ана шунга қаратилгани бежиз эмас.

(Давоми 3-бетда).



«Обод қишлоқ» дастури

Файзли гўшада ҳаёт завқли

Жорий йилда Сурхондарё вилоятида

«Обод қишлоқ» дастурига биноан 13 та тумандаги

маҳалла фуқаролар йиғини

худудларини комплекс равишда янгилаш чора-тадбирлари белгиланган.

“Қишлоқ” деганда, одатда, қишда лой, ёзда чанг йўллар, кўримсиз ва пастқам уйлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Афсуски, бундай аҳоли манзиллари ҳали ҳам мавжудлиги

айни ҳақиқат. Газ ҳамда ичимлик сувини қўя туройлик, ҳатто, электр таъминоти ҳам ҳаминқадар бу худудлар манзараси киши дилини хира қилади. Ахир бу ерда яшаётган одам-

лар ҳам фаровон ҳаёт кечил-ришга ва бахтли бўлишга ҳақли-ку, деган асосли эъти-розларга сабаб бўлаётганди.

(Давоми 3-бетда).



Польшалик ишбилармонлар инвестициявий ҳамкорликни мустақамламоқчи

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Польша бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда Польша Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари А. Палеп бошичилигидаги делегация вакиллари, хусусан, 20 га яқин йирик компаниялар раҳбарлари, шунингдек, юртимиз ишбилармонлиги иштирок этдилар.

БИЗНЕС ФОРУМИ

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. Икрамов, Польша Республикаси Савдо-саноат палатаси вице-

президенти А. Пилат ҳамда бошқалар таъкидлаганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан юритилаётган дўстона ташқи сиёсат туфайли хорижий мамлакатлар

билан савдо-иқтисодий алоқалар тобора мустақамланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда Польша капиталли иштирокида 25 та корхона тузилган бўлиб, улар иқтисодийетимизнинг энергетика, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика каби муҳим тармоқларида фаолият юритапти.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

◄(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш;

вақтинчалик молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Дастурни амалга ошириш учун қуйидаги ишчи гуруҳлар тузилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича ташкилий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар);

инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалаларига масъул бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари раҳбарлигида Аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тавсиялар бериш бўйича махсус ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Махсус ишчи гуруҳлар);

туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида Тадбиркорлик фаолияти ташкил этишга амалий ёрдам бериш ҳамда мониторинг қилиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Худудий ишчи гуруҳлар).

Бунда:
Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Марказий банкнинг ҳудудий бошқармалари, ҳудудий молия, солик, инвестиция бошқармалари, тижорат банклари ҳудудий филиаллари ва иқтисодий мажмуага кирувчи бошқа идораларнинг масъул ходимлари, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий бўлинмалари раҳбар ходимлари;

Махсус ишчи гуруҳлар ҳудудий Савдо-саноат палатаси, инвестиция, солик бошқармалари, тижорат банклари ҳудудий филиаллари, “Хунарманд” уюмчаси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий бўлинмалари вакиллари;

Худудий ишчи гуруҳлар иқтисодий мажмуага кирувчи ташкилотлар малакали мутахассис ходимларининг 50 фоиз қисмидан, банк филиаллари, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши туман бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ва профилактика инспекторларидан иборат таркибда шакллантирилади.

4. Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга:

Худудий ишчи гуруҳларнинг ҳар бир оилани ўрганиш натижалари бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Худудий ишчи гуруҳлар томонидан ўрганиш натижалари бўйича киритилган муаммоларни ҳал этиш чораларини қўриб бориш, республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идораларга киритиб бориш;

туман ва шаҳарларда тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, янада кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида Худудий ишчи гуруҳларнинг фаолиятини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш ва ҳар ой натижалари бўйича улар фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

ҳар бир туман ва шаҳарда Дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари ҳусусида Дастур координаторларига батафсил ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилисин.

5. Махсус ишчи гуруҳларга:

Тадбиркорлик билан шугўлланиш иштиёқида бўлган фуқароларни ушбу фаолиятга йўналиштириш учун жойларга чиққан ҳолда “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари ва унинг маҳаллий шaroитларга мос бўлган турлари” мазмувда ўқув-масҳулотларни ўтказиб, уларга аниқ ҳисоб-китоблар

асосида ишлаб чиқилган турли йўналишлардаги тайёр бизнес-режаларни тақдим этиш;

ички ва ташқи бозорларни доимий равишда ўрганиб борган ҳолда барқарор ҳамда долзарб талабга эга бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, ҳар ойда янгилаб бориш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига мунтазам равишда etkазиб бориш ва йўналишлар бериб бориш;

харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий минитехнология ва бошқа ускуналарнинг тадбиркорлик билан шугўлланиш истигади бўлган оилаларга тақдимотларини ўтказиш ва сотиб олишига кўмаклашиш;

кўп қаватли уйларда истикомат қилувчи аҳолига қасаначилик ва кичик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалари ташкил этиш орқали қўшимча даромад топиш имконини яратиш; тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш (шу жумладан, бюджет ташкилотларига) орқали уларнинг фаолиятига кўмаклашиш юклатилисин.

6. Худудий ишчи гуруҳларга:

ҳар бир оила ва хонадонларни хатлов асосида қамраб олган ҳолда, тадбиркорлик билан шугўлланиш салоҳияти, истак ва тақлифларни синчковлик билан ўрганиш;

ўрганиш давомида оилаларнинг тадбиркорлик гояси ва кўникмаси, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шaroитлари мавжудлигини аниқлаш;

ховли ва кўп қаватли хонадонларда яшовчи ҳар бир оиланинг тадбиркорлик салоҳияти ва имкониятларини таҳлил қилиш, яшаш ҳудудининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишлари учун кенг қамровли йўналишлар бериш ва кўмаклашиш;

тадбиркорлиқни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш истигадда бўлган шахсларга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш ишларини ташкиллаштириш;

аҳолининг шахсий томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан тақлифлар бериш, уларни амалга оширишга кўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шугўлланаётган ва фаолият турини кенгайтириш истиғини билдирган оилаларга янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда айрим сабабларга қўра фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари ва хунармандлар фаолиятини қайта тиклаш учун тегишли шарт-шaroитлар яратилиши ҳамда мавжуд муаммолар ҳал этилишига амалий ёрдам бериш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни амалга оширишда ҳужжатлари расмийлаштириш ва бошқа давлат хизматлари кўрсатилишида тавсиялар ҳамда кўмак бериш;

ҳар ойда қамида бир марта тадбиркорлиқни янги ташкил қилган оилаларга ташриф буюриб, фаолияти давомида юзага келаятган муаммоларни ўрганиб бориш, уларни бартараф этиш ва ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш;

ўрганиш натижалари бўйича ҳудуд ва республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ва тақлифларни Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга киритиб бориш вазифалари юклатилисин.

7. Дастур амалга оширилишини мувофиқлаштириш, тизимли мониторинг қилиш ва рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари А. Р. Каримов, иқтисодиёт вазирининг ўринбосари А. Ғ. Ортиқов, Марказий банк раисининг ўринбосари А. Р. Исламов — Дастур координаторларига юклатилисин.

Дастур координаторлари ишчи гуруҳлар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти давонига ахборот киритиб борисин.

8. Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига зарур бўлган ҳолатларда Дастурда белгиланган вазифаларни қўшимча молиялаштириш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) Дастур доирасида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларга устувор равишда қафилликлар ва

фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар ажратсин.

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Жамғармага тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиладиган йўналишларни кенгайтириш юзасидан тақлифлар киритиб борсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар:

энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваригача миқдорда — оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш учун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари; энг кам иш ҳақининг минг бараваригача миқдорда — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс қафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг қафиллиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари;

энг кам иш ҳақининг таъминотнинг ортиқ миқдорда — тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилади.

10. Дастур координаторлари зиммасига туман ва шаҳарларда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан самарадорлиғи юқори, барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларга энг кам иш ҳақининг минг бараваридан ортиқ миқдорда Дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан имтиёзли кредит ажратишга Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг қарорига асосан ҳулоса бериш вазифаси юклатилисин.

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар аъзолари ўз қарори асосида имтиёзли кредит ажратилган лойиҳаларини тўлиқ ишга туширилиши ҳамда келгусида ушбу лойиҳаларнинг самарали ишлланиш мониторинг қилисин.

Дастур координаторлари Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг қарорлари асосида кредит ажратилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳолатини алоҳида назорат қилиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта ташкилотлари билан биргаликда тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларнинг қайтмаслик хатари суғурталанганда суғурта тўловини 1,5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгилаш ҳамда суғурталаш шартларини энгиллаштириш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда фойдаланилмаётган ер майдонларини инвентаризациядан ўтказиб, белгиланган муддатларда фойдаланилмаган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда бекор қилиниши ҳамда ушбу ер майдонларини Дастур доирасида фаолиятини бошлаётган ва кенгайтираётган тадбиркорлик субъектларига ажратиш юзасидан зарурий чоралар кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаш ва улар фаолиятини қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин ва натиқаси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мунтазам равишда туман ва шаҳарларда замонавий минитехнологиялар ва бошқа ускуналар сайёр кўргазмаларини ташкил қилиш чораларини кўрсин.

15. Жорий йилнинг 10 июнидан бошлаб намунавий тарзда Андижон вилоятининг туман ва шаҳарларида “Ҳар бир оила — тадбиркор” ҳудудий дастури (кейинги ўринларда — Худудий дастур) амалга оширилсин.

Андижон вилояти ҳокими (Ш. Қ. Абдурахмонов) жорий йилнинг 10 июнига қадар мазкур қарорда қўрсатилган ишчи гуруҳларни тузсин.

16. Худудий дастурда кўзда тутилган вазифаларни молиявий таъминлаш мақсадларига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан жалб

Халқ сўзи

қилинадиган хорижий молия институтлари кредит линияларидан 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Дастур координаторлари мазкур маблағларни туманлар (шаҳарлар) салоҳияти, келиб тушган мурожаатларнинг асосланганлиги, шакллантирилган лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилганлиги ҳамда ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, Андижон вилояти тижорат банклари ва туманлар (шаҳарлар) кесимида тақсимласин ҳамда уларга зарур ҳолларда қайта тақсимлаш ваколати берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (А. К. Мирсоатов) ушбу кредит маблағларини Дастур координаторлари тақсимотига асосан, Андижон вилоятидаги фаолият юритувчи тижорат банкларига йиллик 3 фоиз тўлов шарти билан қайта молиялаштирсин.

17. Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш. Қ. Абдурахмонов) манфаатдор вазирлик, идора ва ҳўжалик бirlашмалари, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки билан биргаликда:

бир ой муддатда наслни қорамол, парранда ва қуёнларни маҳаллий шaroитларга мослаштирувчи махсус фермаларни ташкил этиш;

мазкур фермаларга чет элдан маҳсулдорлиғи юқори бўлган наслдор қорамол, эчки ва қуён зотларини олиб келиш, кўпайтириш ҳамда вилоятнинг табиий-иқлим шaroитларига мос зотларини яратиш, молларни сунъий қочиршининг илғор технологияларини жорий этиш;

мазкур фермаларда маҳаллий шaroитга мослаштирилган наслдор қорамол, эчки ва қуён зотларининг кўргазмаларини ташкил этиш ва аҳоли хоҳишига асосан, уларнинг танлов асосида мақбул нарҳларда сотиб олинишига замин яратиш;

аҳолига махсус фермалардан сотиб олинган чорва моллари, қуён ва паррандаларни боқиш технологияларини батафсил тушунтириш ва келгусида ҳар бир хонадонда мавжуд чорва моллари ва паррандаларни вакцинация қилиш тадбирларини амалга ошириш, аҳолига наслдор молларни сунъий қочириш ва узлуксиз ветеринария хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш;

сифатли омихта ем ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш борасида лойиҳа ташаббускорлига ҳар томонлама кўмаклашиш, аҳолининг йиллик эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, омихта ем, витаминлар, премикслар, қўшимчалар ҳамда ветеринария препаратларини etkазиб бериш;

йирик тадбиркорларни жалб этган ҳолда, саноатлашган чорвачилик кластерларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Б. З. Асадов Андижон вилояти ҳокими Ш. Қ. Абдурахмонов билан биргаликда оилавий тадбиркорлик фаолияти илғор ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш учун Андижон вилояти иқтисодий комплекси мутасади ҳодимларини хизмат сафарига юбориш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

19. Белгилансинки, республиканинг бошқа ҳудудларида Дастур уни амалга оширишнинг аниқ молиявий манбалари ва ҳисоб-китобларини назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида кредитлар ажратиш тартибини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор билан белгिलाб берилган мақсад ва вазифаларни кенг қўламад ёритиш тавсия этилсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир, шазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 7 июнь	

ШХТ саммити ва Ўзбекистоннинг стратегик манфаатлари

◄(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иккинчидан, ШХТ давлатлари-нинг ахсарияти иқтисодий ўсиш-нинг юқори суръатларини намойиш этмокда. 2016 йилда аъзо давлатлар иқтисодиётида ўртача 4,8 фоизлик ўсиш кузатилди ва худ-ди шу суръатлар 2017 йилда ҳам сақланиб қолди. ХХР Тижорат вазирлиги маълумотларига қараганда, 2017 йил якунлари бўйича Ҳитойнинг тузилмага аъзо мамлакатлар билан товар айлан-маси 19 фоиз ўсиб, 217,6 миллиард АҚШ долларига етди.

Янги аъзоларнинг ташкилотга қабул қилиниши унинг иқтисодий салоҳиятини ҳам ошириб юборди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари-га кўра, ҳозирги пайтда ШХТ давлатларининг дунё ЯИМдаги улуши 30 фоизни ташкил этади.

Халқаро валюта жамғармаси 2020 йилга бориб, мазкур кўрсат-кич 35 фоизга чиқисини тахмин қилмокда. Бундай суръатлар бил-лан ШХТга аъзо давлатлар иқти-содиётининг жаҳон бозоридаги улуши 40 фоизгача етишини кутиш мумкин.

Аъзо мамлакатлар манфаатлари-нинг хавфсизлик ҳамда иқтисодий масалаларда муштарак эканлиги ШХТ эришган муваффақиятларнинг, дунёдаги ўзгарувчан вазиятга тез мослаша олиш қобилиятининг бош омилли бўлди. ШХТ минтакавий иқтисодий ҳамкорлиқни мустаҳкам-лаш, савдо-иқтисодий муносабат-ларни изчил ўстириб бориш учун кулай муҳит яратиш, ҳамкорликда инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга таътиб этиш учун ўзига хос платформага айланди. Ҳозирги пайтда инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтириш, транс-порт коммуникацияларини тақомил-лаштириш, қўшимча юк ташииш ҳажмларини жалб қилиш ҳамда янги транспорт йўналишларини очишга алоҳида эътибор қаратилмокда.

ШХТ аъзо мамлакатларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томон-лама асосда ўзаро биргаликда

харакатланишга рағбатлантиради. Масалан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ХХРга 2017 йил май ойидаги биринчи давлат ташрифи доирасида 100 дан ортиқ, жами 23 миллиард АҚШ доллари-лик ҳужжатлар имзоланди. Икки давлат етакчиларининг самарали музокаралари савдо, инвестиция-лар ва технологиялар, транспорт коммуникациялари, гидроэнерге-тика, гуманитар соҳалардаги ўзаро

“ Янги аъзоларнинг ташкилотга қабул қилиниши унинг иқтисодий салоҳияти-ни ҳам ошириб юборди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги пайтда ШХТ давлатларининг дунё ЯИМдаги улуши 30 фоизни ташкил этади.

алоқаларни янада юксалтириш бўйича янги стратегик имкониятлар эзгини очиб берди.

ШХТ улкан салоҳиятга эга. Ташкилотнинг жаҳон майдонидаги таъсири ҳамда обрўсини ошириш учун бу кучни ишга солиш лозим. Шу маънода, “Бир макон, бир йўл” ташаббусини амалга оширишда “Шанхай саккизлиги”нинг баҳамжи-хат интилишлари муваффақиятга эришиш имкониятларини анча кен-гайтиради. Бунда ҳамкорлиқнинг энг муҳим, истиқболли йўналиши транспорт коммуникациялари бўлиб қолмокда. Автомобиль ва темир йўллар қуриш, йирик логистика марказларини барпо этиш, ушбу объектлардаги катта иш ҳажмини инобатга оладиган бўлсак, ШХТ давлатларининг барчасида аҳоли бандлиги ҳамда даромадини оши-ришининг ўта самарадор манбаига айланиши мумкин.

Ана шундай лойиҳаларни рўёбга чиқариш Марказий Осиёнинг Ғарб

ва Шарқ, Шимол ҳамда Жануб ўртасидаги бoғловчи зона сифати-даги геосийёсий жозибадорлигини оширади. Хитой ва Осиё — Тинч океани минтақасини Марказий ҳамда Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларининг йи-рик бозорларига энг қисқа йўллар орқали олиб чиқувчи янги страте-гик имкониятлар пайдо бўлади.

Ўзбекистон ҳамда Хитой алла-қачон мазкур йўналишда ҳамкор-

лари чоррахасига айланишга ҳар қанчондидан ҳам яқин келди. Жанубий Осиёнинг икки энг йирик мамлақати — Ҳиндистон ва Покис-тоннинг ШХТга тўлақонли аъзо сифатида қўшилиши ҳам тузилма фаолиятига ҳамма жабҳада янги суръат олиб қиради. Расмий Дехли ҳамда Исламободнинг фаол ишти-роки ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш учун имко-ният эшикларини очади.

Дунё сийёси ва иқтисодий май-донида ноаниқликлар, турли мав-ҳумликлар тобора кучайиб бораёт-ган, халқаро вазият бирданига ўзга-риб кетаётган бугунги шaroитда ШХТга аъзо давлатлар учун: Хартияда ҳамда тузилма асосини ташкил этувчи ҳужжатларда мустаҳ-камланган очиклик ва блокларга қўшилмаслик қондаларига ҳамиша содиқ бўлиш; кун тартибидagi асосий масалалар бўйича қарор қабул қилишда келишиш ҳамда консенсус тамойилига қатъий амал қилиш; устувор йўналишларда ҳам-корлиқни кенгайтириш ва кучайти-риш; минтақада ШХТ давлатлари-нинг барчаси учун бирдек манфа-атли бўлган, иқтисодий асосланти-рилган инфратузилмавий лойиҳа-ларни амалга ошириш каби масалалар ўта муҳимдир.

Бундай лойиҳаларни рўёбга чиқаришдан келадиган натижалар-нинг аҳамияти, айниқса, “иқтисо-диёт” ҳамда “хавфсизлик” тушун-чалари орасидаги қамбарчас бог-лиқлик эътиборга олинса, ният-да деқисдир. Бинобарин, глобал-лашув шaroитида мазкур икки со-ҳани айро ҳолда тасаввур этолмай-миз. Иқтисодиётни ўйламай туриб, хавфсизлик ҳақида гапириб бўлмайди ва аксинча, хавфсизлик-ни таъминламасдан барқарор иқти-содий тараққиётни қўлаш мумкин эмас.

Аббос БОБОХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бош илмий ходими.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИ юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан мамнунлигида ўз ифодасини топмокда

Сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш — давр талаби

Халқ депутатлари Бўка тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида депутатлар ҳар қачонгидан ҳам фаол бўлдилар.

Очиқ мулоқот ва савол-жавоблар тарзида, танқидий руҳда кечган сессияда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 29 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўртага ташланган масалалар, ҳозирги пайтда барчани ташвишга солаётган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Жорий йилда туманда 13 минг 925 гектар майдонда ғуза, 800 гектарда сабзавот, 340 гектар ерда эртаги картошка парваришланмоқда. Шунингдек, 200 гектар ерга полиз экинлари, яна шунча майдонда шולי ҳамда соя экилган. Ақин кунларда бошқили дон экинларидан бўшайдиган 14 минг 718 гектар майдонга такрорий экинлар экиш режалаштирилган. Бундан ташқари, томорқа майдонларида озиқ-овқат маҳсулотлари еттиштирилгати.

Зироатчилик учун туманга 281 миллион куб метр ҳажмдаги сув лимити ажратилган. Бу умумий эҳтиёжнинг 80 фоизини ташкил этмоқда. Ана шундай мураккаб бир шaroитда обихайётдан оқилона ва самарали фойдаланиш йўли-йўрикларини излаб топиш ҳамда уни амалиётга жорий қилишда ҳар бир депутатнинг, соҳа мутахассисининг тажрибаларини умумлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Сессияда туманда суғориш ишларини тизимли йўлга қўйиш бўйича 74 та отряд ташкил қилиш, уларнинг ҳар бирига 5-6 тадан фермер ҳўжалигини бириктириш, бунда пахта майдони 200 гектардан ошиб кетмаслиги ҳақида келишиб олинди. Суғориш ишларига жами 2769 нафар сувчи жалб этилиб, зарур шарт-шaroитлар яратилди.

Ғуза майдонларини суғоришда асосий эътибор тунги суғоришга қаратилади. Ўқариқ оралиғи 50 — 60 метрдан ошмаслиғи лoзимлиги қатъий белгилаб олинди. Ҳар гектар майдонга 10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариш ва экинни шарбат усулида озиқлантириш тизими жорий қилинди. Боиси, бу билан ернинг намлигини икки баравар кўпроқ сақлаш имконияти туғилиди. Мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида барча ариқ бошларига гидрoпoстлар ўрнатилиши лoзим. Суғориш ишлари, биринчи навбатда, “қулоқ”нинг охирида жойлашган контурдан бошланиши қатъий белгилаб қўйилди.

Сессияда сув таъминоти оғир жойларда суви тежовчи технологияси сифатида кўмча егилувчан қувурлардан фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди. Ушбу усулда 12 та фермер ҳўжалигининг 341 гектар майдони суғорилади. Дарвоқе, егилувчан қувурлар бўкаликлар учун янгилик эмас. 2016-2017 йилларда 28 комплект егилувчан қувурдан фермерлар сув танқислигини юмшатиш мақсадида фойдаланган эдилар.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ғалладан бўшган майдонларга такрорий экиш ишла-

рини ташкил этиш ҳам муфассал қўриб чиқилди. Туман бўйича бу йил 670 гектар картошка, 3 минг гектар сабзавот, 9780 гектар дук-какли ҳамда 2265 гектар такрорий озуқа экинларини экиш режалаштирилган.

Депутатлар вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, такрорий экиш учун режалаштирилган, айнаи вақтда кўп сув талаб қиладиган 102 гектар шoли ҳамда 200 гектар соя майдонларини қисқартириб, улар ўрнига экспортбоп ва суви кам ичувчи мош экиш таклифини билдирдилар.

Қайд этилган муаммолардан қатъи назар, туманнинг сув билан таъминланишда бошқа ҳудудларга нисбатан афзалликлари бор. Бу туман деҳқонлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мавжуд резерв ҳамда имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳосилдорлиқни ошириш, такрорий экинлар экишга алоҳида эътибор қаратиш лoзимлиғи сессияда таъкидланди.

Экин майдонларининг намлигини таъминлаш мақсадида бошқоқли дон экинлари ўрилганидан кейин уч кун муддат ичида ерларни шўғроллаш ва экишга тайёрлашга келишиб олинди. Бу усул билан ҳам муайян миқдорда сув тежамкорлигига эришиллади.

Шунингдек, деҳқон ҳўжалиғи ерлари ҳамда томорқа майдонларини суғоришда ер ости сувларидан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш лoзимлиғи кўрсатиб ўтилди. Бу борада Оқўрғон тумани томорқа ер эгаларининг тажрибасини кенг жорий қилиш лoзимлиғи қайд этилди.

— Сессияда ўртага ташланган таклифлар, белгилаб берилган вазифалар бизни янада ғайрат-шижоат билан ишлашга даъват қиладди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Исмоил Жўраниёзов. — Олдимизга қўйилган вазифаларни бекаму кўст бажариш учун барча имкониятдан унумли фойдаланишимиз зарур.

Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирок этган сессияда суғориш ишларини ташкил қилиш бўйича иккита мобил гуруҳ ташкил этилиб, вазифалар аниқ белгилаб олинди. Кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ушбу масалалар, шунингдек, халқ депутатлари Паркент тумани Кенгаши сессиясида ҳам атрофлича қўриб чиқилди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунки мазкур йирик форумда ана шундай муаммолар ечимини топишга доир аниқ лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, энергиянинг муқoбил манбаларидан фойдаланишга ўтиш жараёнини тезлаштириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. Унинг доирасида ўтказилган сессиялар йиғилишларининг ҳар бирида борлиққа завол етказмаслик, унинг ҳимоясида янгича ёндашув ҳамда истиқболли режаларни амалга ошириш, келажақда инсониятнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш истиқболлари изланди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, жараён, айниқса, охириги йилларда жадал тус олди. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Пойтахтимизда бир қатор давлатлар ва халқаро ташкилотлар, йирик молия институтлари, илмий муассасаларнинг 300 га яқин вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур халқаро форумда, шунингдек, экологик инқироз оқибатларини юмшатиш, чўлла-нишга қарши курашиш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ҳайвонот ҳамда ўсимлик оламини асраб-авайлашда зарур чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди. Бугун биз ичимлик суви, газ каби табиий бойликлар исроф бўлишига, ҳаёт барометри саналмиш ўрмонларнинг аёвсиз кесилишига қўяйдимиз. Ёки бўлмаса, ишлатиб бўлинган уй-рўзгор буюмлари, эски маиший чикиндиларни дуч келган жойга ташлаб кетишга одатланганмиз.

Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги йўлидаги муҳим қадам

Сўз — форум иштирокчиларига



Хайрулло ИБОДЗОДА, Тожикистон Республикаси Хукумати хузуридаги Атроф-муҳит бўйича қўмита раиси:

— Марказий Осиё халқаро экология форуми қундалиги ранг-баранглиги, муҳокама этилган масалалар эса ўта долзарблиги билан алоҳида ажралиб турибди. Чунки экологик муаммолар чегара танламайди, улар алақачон глобал аҳамият касб этиб улзурган. Шундай экан, уларни бартараф қилиш, оқибатларини юмшатиш, таъсирларини қамайтиришда давлатлар биргаликда курашиши лoзим.

Тошкент форуми айнаи шу жиҳатларга катта эътибор қаратишгани билан диққатга сазовордир. Насиб этса, мазкур жаҳондаги ҳамкорлигимиз кенгайиб бораверади.



Шох Замон МАЙВАНДИ, Афғонистон Ислам Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий агентлиги бош директори:

— “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш бoрасида ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш” мавзусидаги Марказий Осиё халқаро экология форумида муҳокама этилган масалалар келажаққа қўйилган мустаҳкам қайдиридир.

Бугунги кунда деярли барча давлатларда “яшил иқтисодиёт”га, яъни экологик зарарсиз технологияларга, энергия тежамкорликка катта эътибор қаратиляпти. Шу мавнода, ушбу форумда мазкур масала кенг муҳокама қилинди. Бу жиҳат Афғонистон учун ҳам ўта муҳимдир.

да. Уларни эътиборсиз қолдириш эса табиий ресурслар ва табиатнинг қутилмаган ўзгаришларига сабаб бўлади. Ваҳоланки, чикиндининг 80 фоизини қайта ишлаш



Арсен РИСПЕКОВ, Киргизистон Республикаси Хукумати хузуридаги Атроф-муҳит ва ўрмон ҳўжалигини муҳофаза қилиш давлат агентлиги директори ўринбосари:

— Марказий Осиё минтақасига дахидор экологик муаммоларни муҳофаза этиш ҳамда муаммолар муҳокамасига бағишланган Тошкент форуми самарали бўлди, дейишга асослар етарли. Чунки унинг доирасида ҳар бир иштирокчиe мулоқотлар ўтказили, мунозараларга киришиш учун қўлай муҳит яратилди. Бу эса келгуси режалар бўйича дўстона руҳда, ўзаро ҳамжиҳатликда фикр алмашиш имконини берди.

Буларнинг барчаси тез фурсатларда амалий ҳаракатга киришиш, лойиҳаларни рўйбега чиқаришга пухта замин бўлди.

Янги наshr

«Ўзбекистон стратегияси»

Мамлакатимизда ушбу номдаги ижтимоий-таҳлилий журналнинг биринчи сонини нашрдан чиқди.

Журнал кенг ўқувчилар аудиторияси, жумладан, тадбиркорлар, сиёсий, экспорт-таҳлил доиралари вакиллари ҳамда юртимизга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун мўлжалланган бўлиб, унда Ўзбекистонда юз бераётган сўнгги ўзгаришлар, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар доимий сарҳисоб қилинади.

— Янги наshr марказимизнинг навбатдаги саъй-ҳаракатлари махсули, — дейди “Тараққиёт стратегияси” маркази директори Акмал Бурҳонов. — Журналимизда таҳлилий мақолалар, инфографикалар, мустақил экспертларнинг фикр-мулоҳазалари, долзарб интервьюлар бериб бoрилади. Унтер яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ўқувчилар мамлакатимизни янада ривожлантиришга доир таклифларни махсус ташкил этилган руқн орқали беришлари мумкин.

“Ўзбекистон стратегияси” журнали ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳар чoрақда чоп қилинади. Режага кўра, у юртимизда фаолият юритаётган халқаро ташки-



лотлар ҳамда хорижий давлатлар ваколатхоналари, Ўзбекистоннинг чет элдаги элчихоналарида, шунингдек, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг маҳаллий ҳамда халқаро рейсларида, юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар гавжум гўшаларига ҳам тарқатилади. Журналнинг илк сонида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар натижаларига бағишланган туркум материаллар ўрин олинди.

— Журнал тахририяти юртимизда юз бераётган сўнгги ўзгаришлар, Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган ислохотлардан манфаатдор бўлган барчани мулоқотга чорлайди, — дейди А. Бурҳонов.

О. ЛУТҒУЛЛАЕВ.

Файзли гўшада ҳаёт завқли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда тобора кенг қамров касб этаётган “Обод қишлоқ” дастури ижросини Президентимизнинг “...халқимиз эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни қўришни истайди”, деган даъватларининг амалий исботи, дейиш мумкин.

Сурхондарё вилоятининг Музработ туманидаги бир йўла учта — “Юртим жамоли”, “Янги диёр” ҳамда Ал-Ҳаким ат-Термизий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Обод қишлоқ” дастури бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Қишлоғимизни обод гўшага айлантириш, одамлар турмуш даражасини яхшилаш мақсадида бошланган мазкур хайрли ҳаракатлар барчамизни руҳлантириб юборди, — дейди “Юртим жамоли” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муқаддас Нуралиева. — Турли миллат вакиллари ўзаро аҳилликда умргузаронлик қилиб

келаётган массивда кўплаб ижтимоий муаммолар йиғилиб қолганди. Хусусан, йўлларнинг ярқасиз аҳоли, ер ости сизот сувининг кўтарилиши, оқар сувнинг йўқлиги ҳудуд аҳолисини йиллар мобайнида қинаб келаётганди. Ҳудудимизни замонавий массивга айлантириш, жумладан, инфратузилма объектлари қурилиб, таъмирталаб кўп қаватли уй-жойлар, мактабгача таълим муассасаси, болалар мусиқа ва санъат мактаби, қишлоқ оилавий поликлиникасидаги шарт-шaroитлар таъмилга янгила-наётгани халқимизга мамнуният бахш этмоқда. Айни пайтда республика, вилоят ҳамда туман ташкилотлари вакилларида таркиб топган ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишларда маҳалла аҳли — ёш қари бирдек фаол қатнашаётгани қувонарлидир.

Ишчи гуруҳи ўрганиши натижасида ҳудудда 26 километрлик йўл қисми, 30 километр электр тармоғи ва 5 та трансформатор пунктини ян-

гилашга эҳтиёж борлиги аниқланди. Дастур доирасида маҳалладаги 124 минг 280 квадрат метр том қисми, мингдан зиёд ҳовлилар фа-соди, 573 та уй-жой, 400 дан ортиқ ҳовлиларнинг девор ҳамда дарвозалари таъмирланди. 223 та хонадонда эса қўшимча қурилиш ишлари бажарилди.

— Массивдаги учта маҳалла ҳудудида 11 минг 550 дан зиёд аҳоли истиқомат қиладди, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Алишер Амиров. — Ҳудудни обод этиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга доир дастурга биноан, 12 та кўп қаватли уй-жойнинг том ва фасад қисми ҳамда йўлақлари таъмирланди. 3 та мактабни мукаммал таъмирлаш, 4 та мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. “Юртим жамоли” МФЙда 3,5 миллиард сўмлик маблаг эвазига янги болалар мусиқа ва санъат мактаби бунёд этиляпти. Бундан ташқари, ҳудуддаги

қишлоқ оилавий поликлиникаси кенгайтирилиб, таъмирланмоқда. Ушбу муассасани энг замонавий тиббий ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Ҳудуд аҳолиси ҳаёт тарзини яхшилаш мақсадида 16 километр магистраль, 34 километр ички ичимлик суви тармоғи янгидан қурилади. Ҳозир 3 та маҳалла ҳудудидаги 6 та сув қудуғи, 7 та сув минораси таъмирланмоқда.

— “Обод қишлоқ” дастури хонадонларимизга файз киритиб, кўнглимизга ҳам ободлик, кўтаринчилик бағишлаяпти, — дейди Ал-Ҳаким ат-Термизий номидаги маҳаллада яшовчи Солия Буриева. — Рости, узоқ йиллар мобайнида ўз қобигимизга ўралиб, муаммолар қуршовида қолган эканмиз. Мана, энди барчасига барҳам бериш фурсати етди. Қинғир-қийишқ қурилган иншоотлар бузилиб, ички йўллар кенгайтирилмоқда. Ариқ ва зовулар тозаланаётир. Уй-жойлар тартибга келтирилиб, ҳудуд обод ҳамда кўркам қиёфа касб этапти.

Ҳар учала маҳаллада томорқа-



дан унумли фойдаланиш, оила-дан даромадини ошириш учун 50 га яқин хонадонда имтиёзли кредит асосида замонавий, их-

чам иссиқхоналар барпо қилин-лар. Шуну ҳам айтиш жоизки, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2 та тикувчилик цехи

ишга туширилади. Кутубхона, дорихона ва ҳаммом, 3 та сарта-рошхона, 2 та гўзаллик салони, 10 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 3 та замонавий чикинди йиғиш пункти бунёд этилмоқда.

Жорий йилда Сурхондарё вилоятида “Обод қишлоқ” дастурига биноан, 13 та тумандаги 31 маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларини комплекс равишда янгилаш чора-тадбирлари белгиланган. Қўмқўрғон туманидаги “Янги шаҳар”, “Боғаро”, Шеробод туманидаги “Шеробод” ҳамда “Пошхурт”, Ангорт туманидаги “Янгиобод”, “Улғубек”, Бойсун туманидаги “Қўшчинор”, “Чилонзор” маҳалла фуқаролар йиғинлари ана шулар жумласидандир. Барча жойда жадал сурьатларда амалга ошири-лаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳудудлар қиёфасига замонавий қўриниш бераётир. Обод манзилларда яшаш заводи халқимиз кўнглида эртанги кунга умид ҳамда ишончи, амалий интилишни қучайтирмоқда.

Илҳом РАҲМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Молия муассасаларида

Халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш ва уларнинг озу-умидларини рўёбга чиқариш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланди. Аҳолига замонавий ҳамда қулай банк хизматлари қўрсатиш мазкур янгиланишларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори банк хизматлари соҳасининг ривожига янги босқични бошлаб берди. Мазкур қарор акциядорлик тижорат «Қишлоққурилишбанк» фаолиятида ҳам дастуриламалдир. Жорий этилаётган янги замонавий хизматлар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини таъминлашга ва миқозларнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлашга асос бўлмоқда. Бунинг ёрқин тасдиғини банк эришаётган юқори молиявий кўрсаткичлар ва миқозлар сонининг муттасил ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.



АҲОЛИНИ РОЗИ ҚИЛИШ — УСТУВОР МАҚСАД

БАРЧАСИ — ONLINE РЕЖИМИДА!

Бугунги кунда «Қишлоққурилиш-банк» АТБ тизимидаги 313 та инфратузилма орқали 690 мингга яқин миқозларга хизмат кўрсатиляпти. Масофадан кўрсатилаётган хизматларнинг кўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, аҳолига ва миқозларга қулайлик яратиш мақсадида ишлаб чиқилган «QQB-mobile» мобил иловаси янада тақомиллаштириляпти. Бу эса миқозларга масофавий амалиётлар учун янгидан-янги имкониятларни тақдим қилапти.

Хозир фуқаролар мазкур замонавий дастурдан фойдаланиб, мобил алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлар, камамли телевидение хизматлари, истеъмола ва ипотека кредитлари учун ҳамда турли коммунал тўловларни (электр энергия, табиий газ, иссиқлик манбаи, ичимлик суви, махсустранс ва ҳ.к.) амалга ошириб келмоқдалар.

Шунингдек, ушбу мобил илова орқали ҳисоб рақамлар ҳолатини кўриш ва тўлдириш, «Online Smart Vista» пластик карта қолдиқлари ва унинг айланмалари бўйича маълумотларни олиш, Тошкент шаҳар йўл харақати хавфсизлиги бошқармаси жарима тўловларини ўтказиш имконияти мавжуд.

Яна бир жиҳати, ушбу дастурдан фойдаланувчилар «MUNIS» тўлов тизими орқали «Қишлоққурилишбанк» АТБ пластик картасидан маблағларни бошқа банк пластик картасига ўтказиш имкониятига ҳам эгалар.

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб банкнинг сўм пластик қарточкаларига эга миқозлари учун «QQB-mobile» мобил иловасидан фойдаланиб, ўзларининг «VISA» халқаро тўлов карталарига чет эл валютасини конверсия қилиш хизмати йўлга қўйилди. Эндilikда бу амалиёт саноқли дақиқалар ичида online режимда бажарилмоқда. «Online-конверсия» хизмати учун мобил иловани интернетдан юклаб олиш ва пластик қарточкани рўйхатдан ўтказиш лозим бўлди, холос.

Банк тизимида омонатлар билан боғлиқ амалиётларни масофадан туриб бошқариш имкониятини берувчи инновацион дастурлар ҳам жорий этилган. «Deposit banking» мобил дастури шулар жумласидан. Мазкур тизим ҳисмоний шахсларнинг вақтини ва ортиқча самарасиз харажатларини тежаш, банкнинг ўз омонатчилари би-

лан муносабатларини тақомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, омонатчиға мавжуд барча омонат маблағларини масофадан бошқариш ва тўлиқ тартибда назорат қилиш имконини беради.

Мижоз мобил иловадан фойдаланиб, муддатли келган омонатини амалдаги бошқа омонат турларига тўлиқ ёки қисман қайта расмийлаштириши, талаб қилиб олгунча, муддатли, жамғармали омонат ҳисоб рақамлар очини, мавжуд омонат ҳисоб рақамлари

ниятлари билан фойдаланувчилар орасида тобора оммалашмоқда.

Яна бир қулайлиги, омонатчилар мазкур илова орқали мавжуд барча омонати ва унга ҳисобланган фойз даромадлари ҳисобидан нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш, масалан, товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз тўловларни бажариши, банк картасига ўтказиш, кредит тўловларига ўтказиш имкониятига ҳам эгалар.

Келгусида бу каби инновацион дастурлар янада тақомиллашиб, янги-



ҳам кенгаймоқда. Бугунги кунда банк тизимида 41 халқаро пул ўтказмалари шохобчалари соат 09:00 дан 17:00 гача фаолият юритмоқда. Мазкур шохобчаларда «Western Union», «Money Gram», «Zolotaya korona», «Contact», «Aziya-Ekspress» тизимлари орқали аҳолига халқаро пул ўтказмалари бўйича малакали хизматлар кўрсатиляпти. Миқозларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, жорий йилнинг май ойидан бошлаб 19 та халқаро пул ўтказмаси шохобчасининг шанба ва

Бунда хорижий валюта қабул қилувчи шахснинг хоҳишига кўра танланади. Банк филиаллари орқали миллий валютада пул маблағларини топишган ҳолда, хорижда яшаётган, вақтинчалик хизмат сафарига ёки саёхатда бўлган, ўқув юртларида таълим олаётган яқин қариндошларингиз, танишларингиз ва бошқа ҳисмоний шахслар ҳисобидан ҳам хорижга пул жўнатмаларини амалга ошириб келмоқдалар.

Банкнинг 50 та валюта айирбошлаш шохобчасида фуқароларга ҳеч қандай чекловларсиз хизматлар кўрсатилямоқда. 2018 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, ушбу хизматдан 107 451 нафар ҳисмоний шахс фойдаланди. Республика ҳудудларида жойлашган 40 та минибанкда 3942 нафар миқозга замонавий банк хизматлари кўрсатилди.

Банк томонидан аҳолига 20 дан ортиқ жозибдор ва даромадли омонат турлари тақлиф қилинмоқда. Айни пайтда омонатчилар сони 86 522 нафарга етди. Банкдаги жами омонатлар қолдиғи (намунавий уй-жойларнинг бошланғич ва якуний бадал маблағларидан ташқари) 408,9 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошидагига нисбатан 71,477 миллиард сўмга ёки 121 фойз ўсишга эришилди.

Миқозларга қулайлик яратиш мақсадида банкнинг тариф сиёсати доимий равишда тақомиллашиб, хизматлар мақбул нархларда тақлиф қилинмоқда. Масалан, «Қишлоққурилишбанк»да муддатли ва жамғармали омонат ҳисоб рақами бор миқозларга бепул пластик қарточкалар тақдим этиляпти.

Юридик шахс мақомидаги миқозларга тақлиф қилинаётган қулайликлар ҳам эътиборга молик. Банкда ҳисоб рақам очган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар «Хуш келибсиз» тарифига мувофиқ, 3 ой муддатга ҳисоб рақамидаги пул айланмасидан имтиёзга эга бўлишди ва уларнинг фаолиятига қараб имтиёзлар янада кенгайтирилиши мумкин.

Шунингдек, «Қишлоққурилишбанк» экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий валютада экспортдан тушган маблағларини ўз ҳисоб рақамларидан нақд олишлари учун тўловни 70 фойзга камайтирди. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш нархи, бор-йўғи, 0,3 фойзини ташкил этади.

Бундан ташқари, банк тизимида

хорижий валютани юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси орқали сотиб олишда кўрсатиладиган банк хизмати учун тўлов сумманинг 0,3 фойзигача туширилди. Бугина эмас. Юридик шахслар учун мўлжалланган банкнинг масофадан хизмат кўрсатиш дастурларида масофадан туриб, хорижий валюталарини сотиб олиш ва сотиш хизматлари ҳам жорий этилиши бўйича фаол иш олиб борилямоқда.

Қўйинги, хизматни танлаш — сиздан, сифатли хизмат — банкдан!

САРМОЯЛАР — МОЛИЯВИЙ МАДАД

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиши имкониятининг мавжуд эмаслиги микроқарзлар олиш даражасини ошириш имконини бермаётганлиги таъкидланиб, тижорат банклари зиммасига кредит (микроқарз) бериш тўғрисида қарор қабул қилишнинг босқичма-босқич жараёнини ва кредит (микроқарз) бериш тўғрисида хабардор қилиш ёки уни беришни асослантирилган ҳолда рад этиш тартибини кўрсатган тарзда кредит буюртмаларини шаффофлик асосида рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш учун шарт-шароитлар яратиш вазифаси қўйилган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш доирасида «Қишлоққурилишбанк» ҳисмоний шахсларга микроқарз беришни жорий этди. Микроқарз нақд ёки қарз олувчининг номига очилган пластик қартага ўтказиб бериш орқали 12 ой муддатга, 1 ойлик имтиёзли давр билан кейинги 11 ойда тенг тақсимланган ҳолда қайтариш ва ойлик 3 фойз устама тўлаш шарти билан ажратилмоқда. Аҳамиятли томони шуки, микроқарз қайта тикланганидан шаклда ҳам ажратилиб, микроқарз муддати давомида микроқарздан қайта фойдаланиш имконини беради.

Яна бир янгиллик. Банк томонидан 2018 йил 1 июндан бошлаб яқка тартибдаги тадбиркорлар учун хорижий валютада янги микрокредит ажратилиши бошланди. Мазкур микрокредит энг кам иш ҳақининг 1000 бавазари миқдоридан ошмайди-ган сўм эквивалентни миқдоридан халқаро тўлов пластик қартага ўтказиб бериш йўли билан хорижий валютада ажратилади.

Микрокредит хориждан келтириладиган хом ашё, товар-хизматлар, бўғловчи эҳтиёт қисмлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш ҳамда кенгайтириш учун юқори технологик асбоб-ускуналар, инновацион ишланмалар ва техникалар сотиб олиш учун 18 ой муддатгача ажратилмоқда. Жорий этилган янги кредит турлари фуқаролар ва тадбиркорлар учун қўшимча молиявий рағбатдир.

Қисқача айтганда, «Қишлоққурилишбанк» томонидан банк хизматлари оммабоплигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилади. Банк тақлиф қилаётган хизматлар замонавий, қулай ва хилма-хил. Энг муҳими, бу хизматларнинг таянч марказида фақатгина даромад олиш эмас, балки аҳолини рози қилиш, миқоз ишончига эришиш мақсади муҳассас.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.



ЭЪТИРОФ

Сардор Қодиров (Жиззах вилояти):

— Оиламиз билан маслаҳатлашиб, уйимизни таъмирламоқчи бўлдик. Лекин қурилиш жараёни бошланганидан кейин билдикки, тўплаган пулимиз етишмас экан. Шунинг учун, иккилик билан турган пайтимизда «Қишлоққурилишбанк» томонидан фуқароларга микроқарз берилаётганини эшитиб қолдик. Банкка мурожаат қилдик. Қисқа вақт ичида банк филиали томонидан нақд пулда микроқарз берилди. Натижада етишмовчилик сабабли тўхтаб қолган таъмирлаш ишларини охирига етказиб олдик. Доимий даромадга эга бўлганимиз учун микроқарзнинг тўлови қийинчилик туғдираётгани йўқ. Аҳамиятли жиҳати, микроқарзни «QQB-mobile» мобил иловаси орқали ҳам тўлаб бориш мумкин. Бу жуда қулай, банкка бориш шарт эмас экан. «Қишлоққурилишбанк» хизматларидан мамнунимиз.

Бахтимурод Ахоров (Тошкент вилояти):

— Кўп йилдан бери яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман. Корхонам учун Хитой Халқ Республикасидан ускуна олоқчи эдим. Бунинг учун мақбул шартларда кредит олишни режалаштириб юргандим. Кўп банклардаги кредитлар шартлари билан танишиб чикдим. Менга «Қишлоққурилишбанк» томонидан ажратилаётган микрокредит шартлари маъқул келди. Банк филиалига мурожаат қилгандим, хорижий валютада микрокредит ажратилди. Менга маъқул бўлган яна бир жиҳати, микрокредит халқаро тўлов пластик қартага ўтказиб берилди. Бундай микрокредитлар яқка тартибдаги тадбиркорларга 6 ойгача имтиёзли давр билан ажратилар экан. «Қишлоққурилишбанк» бизнесим ривожига молиявий ёрдам берди. Қанон мурожаат қилсам, банк филиали ходимлари дарров масаламизни ҳал қилиб беришди.

Нигматилла Расулов (Тошкент шаҳри):

— Тўй бошлаб қўйган эдик. Харажатларимиз кутилганидан кўпроқ экан. Тўйга яқин маблағ танқислигига дуч келдик. Вақт қисқалиги учун «Қишлоққурилишбанк»ка мурожаат қилиб микроқарз олдик. Тўйларни ният қилганимиздек ўтказиб олдик. «Қишлоққурилишбанк» молиявий ёрдами бизга қўл келди. Микроқарз биз сингари бирор-бир режани амалга ошироқчи бўлган, лекин маблағи етишмаётган фуқароларга енгиллик яратади.

қолдиқларини назорат қилиб бориши ва айланмалари бўйича электрон кўчирмалар олиши мумкин.

«Deposit banking» мобил иловаси омонат ҳисоб рақамини ёпиш ва маблағ қолдиғини тегишли ҳисоб рақамларига ўтказиш, муддатли ва жамғармали омонатда сақланаётган маблағлардан мазкур омонатлар шартлари асосида муддатидан олдин фойдаланиш, муддатли келган омонатлар бўйича банк филиалидан автоматик тарзда SMS-хабарнома қабул қилиш, банк пластик қарточкасидан омонатларга маблағ қўйиш каби замонавий имко-

дан-янги масофавий хизматлар йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Шуниси муҳимки, масофавий хизматлар орқали миқозларнинг банкка келиш ва кутиш учун сарфлаган вақтлари, ортиқча харажатлари тежалаяпти, уларга қўшимча қулайликлар яратилаяпти. Шу тариқа «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» деган тамойил изчил татбиқ қилинаётир.

ТАНЛАШ — СИЗДАН

«Қишлоққурилишбанк» хизматлари кўлами кенгайиб бориши билан банкнинг инфратузилмалари тармоғи

яқшанба кунлари ҳам ишлаши таъминланмоқда. 2018 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, банкнинг халқаро пул ўтказмалари шохобчалари орқали 101 092 та қабул қилиш, 4487 марта хорижга пул ўтказиш амалиётлари бажарилган.

Банк шохобчаларида халқаро пул ўтказмалари учун маблағлар миқозлардан миллий валюта — сўмда қабул қилиниб, чет элга жўнатилиши йўлга қўйилган. Юборилган пул маблағларини хорижда қабул қилиб олувчи шахс ўша давлат пул бирлигида ёки АҚШ доллари, еврода олиши мумкин.

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2018 йил 25 июнь кунин соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурасига қарашли куйидаги автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиш тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан тақдоран қўйилмоқда:

- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/725 ZDF бўлган, «Nexia COHC» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 29 810 000 сўм.
- 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/891 FFA бўлган, «Nexia» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 29 287 000 сўм.
- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30/731 ZDF (транзит рақами 14 C6114) бўлган, «ГБА СПГ Nexia» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 28 191 000 сўм.
- 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75/530 BAA (транзит рақами 19 A 4963) бўлган, «Nexia» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 27 041 000 сўм.

Автотранспорт воситаси олди-сотди шартномаси

асосида сотилади. Олди-сотди шартномаси аукцион савдоси натижалари имзоланган санадан бошлаб беш кун мобайнида тузилиши шарт. Олди-сотди шартномаси бўйича тўлов олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб беш кун мобайнида 100 фойз тўланиши зарур. Автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри, Туркистон кўчаси, 8-«А» уйда сақланмоқда. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Хурматли талабгорлар! Юқоридаги автотранспорт воситалари ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларни сотиш бўйича такрорий аукцион савдоси 2018 йил 11 июль кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдога бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Agrosanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО: 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-95-96.

Гувоҳнома № 006388.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Ал-Хоразмий филиалига қарашли, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30-даҳа, 16-«А» уйда сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/682 JFA бўлган, «Nexia» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 47 629 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 10 июль кунин соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати — 2018 йил 6 июль кунин соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-

сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Davr bank» ХАТБ Олмасор филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:

Тошкент шаҳри, Олмасор тумани,

1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги жамоаси Самарқанд вилояти Архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдували Маманазаровга отаси Аблоқул МАМАНАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳзор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 232-10-63. E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: Девоихона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 00.50 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбўтчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева. Навбатчи — Р. Шеркулов. Мусаҳҳих — С. Исмолов.